

Жиноят ишининг рақами
№ [REDACTED]

Биринчи инстанция судида раислик қилган
судья – Ж.Нажимов
Апелляция инстанциясида маърузачи бўлган
судья Ф.Сиддиқова

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
И М И


2025 йил май ойининг 14 куни Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича
апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Т.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Х.Сотволдиев ва Ф.Сиддиқовадан иборат таркибда,
А.Мамадалиевнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори С.Акбаров, ҳимоячи Х.Мамажонов ва судланган Б.Бнинг
иштирокида, Б.Бга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги ва
ўзининг апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2025 йил 2 апрелдаги ҳукмига
кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан
3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Б муқаддам гиёҳвандлик воситаси билан қонунга
хилоф равишда муомала қилиш жинояти учун судланган
бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2024 йил октябрь ойининг
охирларида Учкўприк тумани, Ғози-ғиждон маҳалласида шахсий ишлари билан
юрган вақтида даланинг четида қаровсиз ҳолда ўсиб ётган наша ўсимлиги
барглари териб, қўл билан эзгилаб, ёпишқоқ ҳолатга келтириб, уни истеъмол
қилиш мақсадида сақлаб келиб, 2025 йил 27 январь куни соат 17:20 ларда Қўқон
паҳар Навбахор кўчасида турган вақтида ИИО ходимлари томонидан унинг ёнлари

Ҳужжат имзоланган: Сиддиқова Феруза Мухаммедовна, 17.05.2025



холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унинг ёнидан судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 28 январдаги 55-сонли хулосасига кўра 1,80 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини келгусида ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб юргани аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Судланган Б.Б ҳимоячиси билан тугалликдаги апелляция шикоятда, аввалги содир этган жинояти учун суд ҳукми қилган ҳолати тугалланганлиги сабабли ҳаракатини ЖК 276-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, “б” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта малакалаб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судланган Б.Б апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрор қилмишидан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчилиги, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича вилоят суди судьяси Ф.Сиддиқованинг маърузасини, прокурор С.Акбаровнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Х.Мамажонов ва судланган Б.Бнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, судланган Б.Бнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги: ўзининг судда айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳ Б.Мамадалиев ва О.Эркўзиевларнинг кўрсатувлари, шунингдек далилий ашёни тортиб олиш, кўздан кечириш баённомалари, топшириш-қабул қилиш далолатномаси, экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келинган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Б.Бнинг ҳаракатларини ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан квалификация қилишда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22,82,94,95-моддалари талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-бандидаги, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларга риоя қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 4-бандида, судланганлик ҳолати тугалланиши шахснинг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида автоматик



тарзда (ўз-ўзидан) барҳам топишини англатиши; судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуи, такроранлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланиши; (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

5-бандида, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланади. Ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти ва унинг учурда судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар қатъиян ва сўзсиз бекор қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Б.Б муқаддам жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2019 йил 10 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлар бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2019 йил 6 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 7 ой 4 кун жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2021 йил 27 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 75-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 9 ой 25 кун жазодан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасида, шахснинг судланганлик ҳолати беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач тугалланиши кўрсатилган.

ЖКнинг 78-моддасида белгиланган 4 йил муддат, Б.Б жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2021 йил 27 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 75-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 9 ой 25 кун жазодан озод қилинган пайтдан бошлаб ҳисобланади ва 2025 йил 26 январь куни судланганлик ҳолати тугалланган ҳисобланади, мазкур жиноят иши бўйича жиноий ҳодиса аниқланган пайтга келиб, яъни 2025 йил 27 январь куни ҳолатига Б.Б судланмаган шахс ҳисобланади.

Дастлабки тергов органи томонидан иш тафсилотларини ўрганиш ва қонунларни қўллашда жиддий хатоликларга йўл қўйилганлиги судланган Б.Бнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига олиб келган.

Биринчи инстанция суди ҳам иш ҳолатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан, дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмасдан, иш бўйича қонуний тўхтамга келишда дастлабки тергов органининг ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлмаган ҳулосаси билан келишиб, барвақт тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасига кўра, жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги апелляция тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлиши;

489-моддасига кўра, Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилганлиги Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Қайд этилган асосларга кўра, Б.Бнинг ҳаракатларини илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган деб ҳисоблаб бўлмаслиги сабабли унинг ҳаракатларини ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилиш юзим бўлади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги,

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, ақли ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодекси 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Апелляция инстанцияси суди юқорида қайд этилган қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Б.Бга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиш билан бирга унинг шахси, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имкони йўқ деган ҳулосага келиб, унга модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, ЖКнинг 50-моддасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркаклар жазони манзил-колонияларда ўтайдилар.

Шу сабабли, Б.Бга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияларда ўташни белгилаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 485, 489, 490, 495, 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2025 йил 2 апрелдаги ҳукми ўзгартирилсин.

_____нинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

_____га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияда ўташ белгилансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоят қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан шу суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши



мумкин.

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

/имзо/

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяси



Т.Вахобов

Х.Сотволдиев

Ф.Сиддиқова

Ф.Сиддиқова

